

БОЛАЛАРГА МУСИҚАВИЙ-РИТМИК ҲАРАКАТЛАРНИ ЎРГАТИШ ВА БОЛАЛАРДА МУСИҚИЙ ТАРБИЯНИНГ РИВОЖЛАНИШИДА РИТМИК ҲАРАКАТЛАРНИНГ ЎРНИ

Шодиева Ойгул

*Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети
“Санъатшунослик” кафедраси ўқитувчиси*

Анноатация: Мақоланинг мазмуни болаларга ритмик ҳаракатларни ривожлантиришидаги ёндашувлар ҳақида фикр мулоҳазалар келтирилган. Шунингдек ушибу компонентларни ривожлантиришида педагогик ёндашувнинг ўрни ва аҳамиятини ҳам қиёсий таҳлиллар асосида ёритиб берилган.

Калит сўзлар: мусиқа ўқитувчилари, фикр-мулоҳазалар, ритмик ҳаракатлар, компонентлар, билимлар, педагогик ёндашув, қиёсий таҳлил.

Кириш: Болаларни ашула айтиш, мусиқа тинглаш ва мусиқавий-ритмик ҳаракатларни ўргатиш.

Мусиқа тинглаш: Болаларда кичик мусиқий асарни тинглаш кўнижасини пайдо қилиш. Марш, қўшиқ ва рақс жанрлари ҳақида илк тасаввур пайдо қилиш ва уларни фарқлаш. Мусиқани мазмунан тушунишга ўргатиш:

Мусиқий-ритмик ҳаракатларни бажариш: Тўп бўлиб енгил юриш ва югуришдан секин-аста ҳар тарафга, тўғрига, эркин-сочма, доира бўйлаб енгил юриш ва югуришга ўргатиш. Болаларни 3-4 содда ва оддий ҳаракатлардан иборат рақсларни тўп бўлиб рақс тушишдан жуфтликда, сочма тарзда, шундан сўнг доирадаги рақслар ижро этишга ўргатиш. Рақс ҳаракатларидан “Коптокни юқорига от”, “арқонни торт”, “токча”, “кўзгуга қара”, “хўрзча”, “майсани сила” билан танишириш ва уларни мусиқага мос бажариш.

Куйлаш: Чолғу асбоби ва катталарга жўр бўлиб қуйлаш. Табиий овозда зўриқмасдан куйлаш малакаларини шакллантириш. Куйлаш вақтида тўғри нафас олишга, аввал “гулни ҳидлаб”, сўнг куйлай бошлишга, ўтирган ёки турган ҳолатда тўғри куйлашга ўргатиш. Қўшиқ мазмунини тушуниб куйлаш билан бир вақтда ҳаракатлар бажаришга ўргатиш. Болалар чолғуларида чалишга ўргатиш: Болалар чолғулари ҳақидаги билимларни мустахкамлаш, карнай, сурнай, ноғора билан танишириш. Металлофон, учбурчак, болғачада чалиш усулларини ўргатиш. Уларни товушидан фарқлай олиш. Қўшиқ, рақс ва ўйинларда чолғуларни жўр қилиш.

Ўйин: Мусиқий фаолиятларда олинган билимларни ўйинларда намоён бўлишига еришиш. Доира жўрлигида “Чумчуқлар ва мушук”, “Айикчалар рақси”, халқ ўйинларидан “Чоричамбар”, “Чапак чалиш”, “Қалдирғоч” кабиларни ўйнаш. Болаларга тушунарли, қизиқарли бўлган воқеабанд ўйинларни ташкил қилиш. Ўйинда мусиқага мос ҳаракатланиш, нутқ, тасаввур ва тафаккурни ривожлантириш, болалар чолғулари, ўйинчоқ ва қўғирчоқлардан фойдаланиш.

Болаларнинг машғулотлардан олган билимларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш мақсадида “Куйини топ”, “Дўстингни овозидан таниб ол”, “Халтачада нима бор”, “Қайси чолғу яширинган”, “Қуш ва қушчалар”, “Ўрмонда” каби мусиқавий- дидактик ўйинларни машғулот вақтида ва мустақил фаолиятлари давомида гурух хоналаридаги мусиқа бурчакларида ташкил этиш.

4 ёшли боланинг егаллаш лозим бўлган билим кўникма ва малакалар.

-Турли ҳил мазмун ва кайфиятдаги мусиқани тинглаш, еслаб қолиш;

-Тингланган қўйларни таниб олиш ва уларнинг бастакори номини билиш. - Куй, қўшиқ ва рақс ҳақида тушунчага эга бўлиш.

- Карнай, сурнай, най, ноғора, доира каби халқ чолғу асбобларини таниш ва овозидан фарқлаш. Қўнғироқча, шиқилдоклар, доирача, бубен, металлофон, сунайча, болғача, учбурчак каби болалар чолғуларида чалиш усувларини билиш;

- Биргаликда қўйлай олиш;

- Қўшиқ қўйлаш билан бир вақтда ҳаракатлар бажара олиш.

- Ҳаракатли ўйинларда фаол иштирок этиш.

- Турли предметлар билан ҳаракатлар бажаришни уddyлаш.

Болада бадиий-ижодий қобилияtlарни ривожлантириш.

Болаларни мусиқа тинглаш, қўшиқ қўйлаш, мусиқа остида ритмик ҳаракатларни бажариш, болалар чолғу асбобларидаги жўр бўлиш фаолиятлари ёрдамида ижодий қобилияtlарини шакллантириб бориш;

Мусиқани тўла тўқис идрок этиш учун диққат, хотира ва мусиқий тафаккур зарур ва муҳимдир. Ана шундагина инсоннинг тасаввuri ёрдамга келади ва эстетик ҳиссиёт шаклланади. Айтилганлардан қўриниб турибдики, мусиқий асарни тўлиқ идрок этиш учун инсон психикасининг фаолияти хилма-хил бўлмоғи лозим.

Мусиқий билимларни ўзлаштиришдан мақсад болаларнинг мусиқий асарнинг лад, ўлчов, суръат, регистрини айтиб беришлари эмас, балки мусиқанинг юқоридаги ифода воситалари орқали уларда шахсга хос бўлган хусусиятларни: ижодий қобилият, эркин йўналтирилган диққат, мусиқий хотира, тасаввур, фаолликни, ташаббускорликни шакллантиришdir.

Болалар ҳиссиётининг ўзига хос хусусиятларидан бири унинг муайян шароит билан боғлиқлигидир, яъни болаларда содир бўладиган ҳиссий кечинмалар аниқ бир шароитдагина вужудга келади. Шунга кўра уларни қизиктирадиган, диққатларини жалб етадиган шароитни яратиш уларда эстетик ҳиссиётнинг, мусиқий маданиятни ўстиришнинг йенг муҳим шартиdir.

Болалар бирор бир мусиқий асарни тинглар йеканлар, мусиқанинг ранг-баранг овозлари, ифода воситаларини (темп, ритм, куй, ўлчов, регистр, динамика ва ҳоказолар), характер ва кайфиятини фарқлашни, ешитилган мусиқий асарларнинг қайси жанрга мансублигини, мумтоз, йестрада ёки бошқа мусиқаларни бир-биридан фарқлай олишни ҳиссий-емоционал жиҳатдан идрок эта борадилар, бошқача қилиб айтганда, уларнинг мусиқий дидлари шакллана боради.

Мусиқий дид, мусиқий дунёқарашнинг шаклланишида машғулотлардан ташқари ва таълим муассасасидан ташқари ишларнинг қай даражада йўлга қўйилганлиги, болаларнинг яшаш шароитлари, оиласдаги муҳит ва оиланинг мусиқага нисбатан муносабати, ота-оналарнинг ва бошқа оила аъзоларининг мусиқага қандай муносабатдаликлари ҳам ғоятда муҳимдир.

Мусиқий оҳангдорлик инсон нутқи оҳангига ўхшаб кетади. Одам ўзининг ҳистойғу ҳолатини бошқаларга нутқи оҳангига орқали билдиради, нутқ оҳангига овознинг баландлиги, пастлиги, тебраниши, вазни орқали намоён бўлади. Айтиш мумкинки, инсон нутқи оҳангининг улкан ифода имкониятлари мусиқий оҳангга табиий шартшароит яратади, унда оҳанг бутунлай янги бадиий сифат олади.

Инсон нутқи оҳангига мусиқа бадиий тилининг асоси бўлиб, бастакорнинг воқеликка муносабатини мусиқада акс эттиришда восита бўлиб хизмат қиласди. Кўп асрлик тажриба нутқ оҳангига имкониятлари инсоннинг мусиқий сезгирилиги ва идроклилигини, мусиқани идрок этиш қобилиятини вужудга келтирди.

Боланинг камол топишида қизиқишнинг аҳамияти шундаки, бола қизиқсан нарсасини мумкин қадар чуқурроқ билишига интилади ва бинобарин узоқ вақт давомида қизиқсан нарсаси билан шуғулланишдан зерикмайди.

Бу эса ўз навбатида боланинг диққати ҳамда иродаси каби муҳим хислатларни ўстиришга ва мустаҳкамлашишга ёрдам беради.

Боланинг қобилиятлари мусиқий фаолият жараёнида ривожланади. Ушбу ривожланишни болаларнинг ёш психологик хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда тўғри ташкил этиш ва йўналтириш мусиқа тарбиячиларининг вазифасидир.

Масалан, болани илк болалик давридан товушлар баландлигини ажратишга ўргатилмаса, у етти ёшга етганида ўзидан кичик болалар осонгина бажара оладиган вазифаларни бажара олмайди.

Мактаб ёшдаги болаларнинг мусиқий ривожланишнинг муҳим хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Уларнинг йешитиш сезгиси, мусиқий йешитиш қобилияти ривожланиб боради;
2. Ҳар хил характердаги мусиқага йемоионал таъсирчанликнинг сифати ва даражаси ортади;
3. Қўшиқ куйлаш мусиқий-ритмик ижрочиликда қўлланиладиган содда қўнишка ва малакалар шаклланади.

Болалар ёши хусусиятлари. Болалар ёшига кўра ҳосил қиласдиган қобилият ва имкониятларини кўриб чиқамиз.

Бир ёшли болалар - психолог А.Люблinskayaning тўплаган маълумотларига кўра, гўдакнинг 10-12 кунларида эшитиш органи ишга тушар экан. Икки ойлик гўдак эса, мусиқа товушларини эшитганда, қимирламай, жим бўлиб қолар экан. 4-5 ойларида бола товуш келаётган томонга қарай бошлайди.

Илк болалик даврларида ёқ гўдакларда мусиқа товушларига нисбатан шахсий муносабат шакллана боради. Биринчи йилининг охирларида боланинг умумий

йешитиш хисси шаклланади. Болакай катталардан ҳар хил мусиқани тинглаб уни ўзига хос интонацион (ўхшаш овозлар чиқараиб) хиргоя қиласди. Мусиқага нисбатан йемоционал муносабат билдириш, йешитиш ҳиссиётларини ривожлантириш илк болаликдан мусиқий тарбияни амалга оширишга хизмат қиласди. Уч ва тўрт ёшли болалар эшиши хиссида индивидуал ажralиб туриш ҳоллари кўринади.

Масалан, мураккаб бўлмаган куйни аниқ ижро этишлари мумкин. Сўзларни ифодалашда аввал алоҳида сўзларни қўллаган бўлсалар, энди уларни бир-бири билан боғлаган ҳолда ишлата оладилар. Тафаккурларида ҳам сезиларли ўзгаришлар рўй беради. Кўргазмали-харакатли тафаккурлари кўргазмали-образли тафаккурга айланади. Бу ёшдаги болалар ўзлари мустақил ҳаракатлар бажара оладилар ҳамда мустақил равишда рақсга тушиб ўйнайдилар.

Беш ёшли болалар - болаларнинг фаол тарзда “нимага?”, “Қаердан?” каби саволларни пайдо бўлиши давридир. Бола воқеа ва ҳодисалар ўртасидаги алоқаларни англай бошлайди ва уларни оддий усулда умумлаштира бошлайди. Болалар кузатувчан, айниқса, мусиқанинг қувноқ ёки ғамгин, товушлари баланд ёки пастлиги, қандай чолғу асбобида ижро йетилаётганлигини бемалол аниқлай оладилар. Улар қўшиқни қандай ижро йетиш кераклигини, қандай ҳаракатлар бажариш кераклигини яхши тушуна бошлайдилар. Бу даврда болаларнинг овозлари жарангдор ва ёрқин тус олади.

Овоз интонациялари турғунлашиб боради, лекин ҳали катталарнинг кўмагига мухтож бўлади. Бу ёшда йешитиш қобилияти шаклана боради. Бу даврда ҳаракатларнинг асосий турларини - юриш, югуриш, сақраш каби фаолиятларни яхши ўзлаштира бошлайдилар. Болалар ўз индивидуал хусусиятларидан, қобилиятларидан келиб чиқиб бир фаолият турини афзал кўришлари мумкин.

Олти ва йетти ёшли болалар - бу даврда болалар мактабга тайёргарлик кўра бошлайдилар.

Мусиқа машғулотларида олинган билим ва таассуротларига асосланиб болалар мусиқий асарларга шарҳ беришлари, мусиқанинг ифода воситаларини аниқлашлари, мусиқий кайфият белгиларини ажратса олишлари мумкин.

Бу даврда болалар ривожлана борадилар ва бир неча ривожланиш босқичларидан ўтадилар:

- эмоционал ривожланиш – оддий мусиқий товушларга кескин ёки ёрқин йемоционал реаксия бериш;
- ҳиссиёт, идрок ва эшишишнинг ривожланиши – мусиқий товушларни алоҳида идрок йетишдан, бутун, онгли ва фаол идрок йетиш, товушнинг хусусиятлари, баландлиги, тембри, динамикаси, ритмини идрок этиш;
- муносабатлар билдириш жараёни - бекарор қизиқишлардан барқарор қизиқишларга, эҳтиёжларга ўтиш, мусиқий диднинг илк кирраларининг пайдо бўлиши;
- ижрочилик фаолияти - кўриб бажарилувчи фаолиятлар, мусиқий ритмик ҳамда куйлаш фаолиятида тақлидчанлик.

Боланинг мусиқий ривожи бу тўғри ва узлуксиз равишда йўлга кўйилган фаол мусиқий жараёндир. Бу ривожланиш қуидагича кечади:

Ҳиссий муносабат. Оддий мусиқий тасавурдан мураккаб ва кўптомонлама ривожланган мусиқий асарларни тушуна олиш; Мусиқани йешитиш қобилияти - мусиқанинг тембри, товуш баландлиги, мусиқа ифода воситалари.

Ижрочиликнинг илк шаклланиши. Бола ўзининг билим ва қўникмаларига таяниб, унга таниш бўлган мусиқага матн ёки рақс йелементларини ижро этиш. Мусиқа тарбия бошқа соҳалар каби ўйлаб чиқилган тизим ва режаларга асосланиб узлуксиз олиб бориладиган жараёндир, яъни ҳар бир машғулотда ўйлаб чиқилган маълум мақсад сари бирин-кетин қадамба-қадам эришилади.

Бу жараёнда мусиқа раҳбари сардор вазифасини ўтайди ва болаларни ўзи билан эргаштириб юради. Бу жараённинг яна бир мухим жиҳатларидан бири бу - ҳар бир боланинг индивидуал дунёқараши ва иқтидорини назарда тутиш керак. Айрим болаларга танбех бериш билан кифояланса, айрим болаларга танбех салбий таъсир кўрсатиб, улар ўз фаолиятларини кўрсатмай янада қисилиб қолишади. Болаларнинг шахс сифатида тарбиялаш учун таълим жисмоний ва онгли тарбия уйғунликда олиб борилиши керак. Бу мақсадга йеришиш учун болаларда тўғри ташкиллаштирилган мусиқий машғулотлар ташкил этилади.

Бошлангич синф ўқувчиларининг юриш, югуриш, сакрашда ҳаракат координасиялари яхши шаклланган бўлади. Улар ўз ташабbusлари ва жон диллари билан турли ашёлар-копток, таёқча, ленталар ёрдамида ёки оёқларини таппиллатиш, қўлларини силташ билан ҳам кўплаб таниш мусиқаларига ҳаракатлар тузга оладилар.

Мусиқа билан ҳаракатнинг тарбиявий аҳамияти шундаки, бунда болаламинг ритмни ҳис қилиши фаоллашади, уламинг ҳаракати мусиқанинг мазмунига уйғунлашади. Вақт ўтиши билан боладаги ҳаракат фаолиятининг хусусияти ва мазмуни анча ўзгаради.

Болалар шу даврда ҳар хил ҳаракатлар, енг оддий ермак ўйинлар мусиқа билан ҳаракатлар ҳамда тўғри ҳаракат қилиб юришнинг айрим усуслари катта ўрин тутади. Болаларда ҳаракат фаолияти такомиллашиб боради, сюжетли ролларга бўлинниб ўйналадиган ҳаракатли ўйинлар шаклланади.

Ўқитувчининг вазифаси болалар ҳаракат фаолиятини шундай ташкил этишдан иборатки, улар мактаб фаолияти даврида ривожлантиришлари зарур бўладиган ҳаракатламинг уйғунлаштириш маънодаги анча мураккаброқ янги шаклларини тобора фаол равишда егаллаб, ўзларида бундай зарур сифатларини шакллантириши учун тинмай машқ қилиб борсинлар.

Болаламинг психик ривожланишидаги ўзига хос хусусиятлар мавжудлиги туфайли улами турли ҳаракатларга ўргатиш вақтида кўргазмалилик катта аҳамият касб етади. Мактаб болалари аниқ фикрлаш, тафаккур қилиш қобилияти га эга бўладилар.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Матёқубов О. Мақомот. “Мусиқа” -Т., 2004 ү.
2. Дўстов С. Бўронов Ф. Мактабда рубоб чалиш ҳаваскорлик тўгарагини ташкил этиш. “Республика методика ва ахборот маркази” Т., 2006 й.
3. Нурматов Н. Норхўжаев Н. Мусиқа, 3-синф учун дарслик. "Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи", Т., 2004 й.
4. 13.Нурматов Н. Норхо`жаев Н. Мусиқа умумий о`рта талим мактабларининг 2-синфи учун дарслик. "Г`афур Г`улом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи", - Т., 2008 й.
5. Нурматов Н. Норхўжаев Н. Мусиқа алифбоси 1-синф учун дарслик. "Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи", – Т., 2004 й.
6. Иброхимов О. Иброхимов Ж. Ботиров Й. Мусиқа, 4-синф учун дарслик, Faafur Fулом номидаги нашриёт матбаа ижодий уйи”, Т., 2005 й.